

■ 23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куну ■

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЎРГАНАМИЗ

– **Номзодлар билан сайловда учрашувлари ўтказиладиган жойларни ким белгилайди? Уктав ИСМОИЛОВ, Зафар шаҳарчаси.**

– Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасидан бу саволга аниқ жавоб топиш мумкин. Унда айтилишича, давлат ҳокимият идоралари сайловда учрашувларга ўтказиш учун сайловчиларга хизматлар бериш, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлар шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

– **Сайлов комиссиялари иши қай тартибда ташкил этилади? Унинг аъзолари ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ишлайдими?**

Ободон ЖУМАНИЁЗОВА, Олмалик шахри.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ, сайлов комиссиясининг мажлисларида комиссия таркибининг камиди учдан икки қисми иштирок этган тақдирда улар қонуний ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари очик овоз бериш орқали ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги овози билан қабул этилади. Комиссия қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда мажлис баёнига илова қилинади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул этган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

...Сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ, сайлов ўтказишга ажратилган маб-

лағ ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазибаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

– **Сайлов жараёнида кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?**

Ҳамидхўжа КАРИМХўЖАЕВ, Чиноз тумани.

– Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасидан тўлиқ маълумот олишнинг мумкин. Унда кўрсатилишича, кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови комиссиясининг номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов



кутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш; сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссиясини томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида илғор илм-фан ҳамда техника ютуқларига асосланган инновация иқтисодиётини ва бунинг учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш жараёнини ривожлантириш мавзусида «Инновация-2007» халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтмоқда.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий мактаб фанлари халқаро академиясининг Ўзбекистон бўлими, соҳаларо Стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш маркази ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Беларусь, Германия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Россия ва Украинанинг олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтлари, йирик саноат корхоналари вакиллари, янги технологияларни ишлаб чиқувчилар иштирок этмоқда.

Ҳар бир мамлакатда миллий инновация тизими ўзига мос равишда ташкил этилган. Бироқ, уларнинг тузилмалари умумий хусусиятга эга бўлиб, янги технологияларни яратиш ва тарқатишга ҳисса қўшаётган турли давлат ва ҳудудий ташкилотлар,

Тадбирда Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ректори Ш. Шообидов, Стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш маркази директори А. Қодиров, Навоий конметаллургия комбинати бош муҳандиси П. Шеметов, Украина Компьютер ахборот тизимлари маркази директори А. Верлань, Урал давлат алоқа йўллари университети проректори В. Антропов, Санкт-Петербург давлат электротехника университети профессори И. Герасимов ва конференциянинг бошқа иштирокчилари шу ҳақда гапирди.

Конференцияда, шунингдек, кадрлар тайёрлашни тақомиллаштириш, илмий тадқиқотларга иқтидорли ёшларни жалб қилиш, иқтисодий тармоқларда инновация жараёнларини кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, технология жараёнлар ҳамда объектларни бошқаришнинг замонавий автоматлаштирилган тизимларини татбиқ этиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

А. ИВАНОВА, Ўза мухбири.

«КЎРГАЗМАДА ҚАТНАШИБ КЎП НАРСА ЮТДИК»

дейди Ҳиндистон – Ўзбекистон қўшма корхонаси раҳбари Лалан Кумар Сингх.

«Мода ва текстиль – Moda & Textile Uzbekistan 2007» 4-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси ўз иштини якунлади. «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павилионига уч кун давом этган кўргазмани юқори савияда ташкил этишда ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси ҳамда I.T.E. Exhibitions & Conferences LTD (Буюк Британия) ташкилоти ҳамкорлик қилди.

Бу йилги кўргазмада жаҳоннинг ўн икки мамлакатидан ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, мамлакатимиз, а тўқимачилик соҳасига илм хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи жами 30 га яқин компания қатнашди. Экспозициянинг 60 фоизи Европада, МДХ мамлакатлари ва Ўзбекистон компаниялари намоиш этган хилма-хил газламалар, 20 фоизи эса фурнитур, тўқимачилик-аксессуарлар, иппар, сунъий чарм ва мўйна, қолган қисми тайёр ҳолдаги кийимлардан иборат бўлди.

Кўргазманинг эътиборли жиҳати шундаки, иштирокчи корхоналар орасида

Ўртаҳириқ туманида фаолият юритувчи «Spentex Tashkent Tuvtara» Ҳиндистон – Ўзбекистон қўшма корхонаси ҳам бор эди. Корхона қисқа фурсат ичида хорижий инвестиция асосида ўзини ўнглаб, махсулотлари билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам муносиб ўрин эгалламоқда. Кейинги вақтларда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати сезиларли даражада ортипти. Қувонарлиси шундаки, ҳозир махсулотнинг 95,5 фоизи экспортга чиқарилмоқда. Корхона асосан Бельгия, Исроил, Португалия, Туркия, Россия, Ҳиндистон каби давлатлардан буюртмалар олмақда.

Корхона цехларида фойдаланилаётган ускуна ва дастгоҳлар босқичма-босқич тубдан яхшиланаётди. Шу йил охиригача хориждан 2,5 миллион АҚШ доллари қийматида эга замонавий технологик анжомлар, зарур эҳтиёт қисмлар келтирилиши режага қиритилган. Бу ерда ишлаб чиқариш қўламлири кенгайиб, янги иш ўринлари барпо этилаётди. Утган бир йил ичида 400 нафар маҳаллий

аҳоли иш билан таъминланди. Ҳозир бу йирик жамоада 2100 ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Яна бир янгилик – корхонада сурп мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Цехда 100 га яқин хотин-қизга доимо иш топилади. Қўнига 8200 погонметр газлама тайёрланаётган цехда махсулотга бўлган талаб ва эҳтиёж ортишига қараб ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб тўрт баробар ошириш имконияти мавжуд.

Ушбу кўргазмада иштирок этиб, махсулот ишлаб чиқариш, технологиялар ва ишни профессионал даражада ташкил қилиш бўйича тажрибалар алмашиш имконига эга бўлди, – деди корхона раҳбари Лалан Кумар Сингх. – Қолаверса, янгидан амалий алоқалар ўрнатиш ва экспорт-импорт шартномаларини тузиш, бозордаги аҳвол ва махсулотнинг рақобатбардошлигини таҳлил қилиш борасида ўзимиз учун фойдали тақлифларни қўлга киритдик.

Хушиди НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.



Мўл ҳосилга замин

ВАҚТИДА ЭККАН ХИРМОН УЯДИ

Вилотимиз деҳқонлари бор куч ва имкониятлардан самарали фойдаланиб кузги дон экишни барвақт якунлаб олиш ҳаракатидалар. Аксарият фермер хўжаликлари миришкорлари бу муҳим, кечиктириб бўлмас вазифани мақбул паллаларда адо этиб олганликлари ҳамда дастлабки озиклантириш ва сугориш каби зарур агротехник тадбирларни сифатли ўтказётганликлари туфайли бугун катта-катта майдонларда галла майсалари бўй кўрсатиб қолди.

Бекобод туманидаги «Кўзивой хожи ота ўғли Олим» фермер хўжалиги деҳқонлари 2008 йил ҳосили учун 24 гектар майдонга галла экидилар. Ерни сифатли тайёрлаш билан бирга керакли микдорда маҳаллий ўғит чиқарилди. Экиш билан бир

йўла минерал ўғитлар ҳам берилди. Биринчи сувдан сўнг галла экилган очик майдон бир текис яшилликка бурканди.

– Бу мавсум етиштирган пахтамини барвақт саранжомлаб олганимиз боис, кузги дон экишни ҳам биринчилар қатори

якунладик, – дейди фермер Ўткир Эрматов. – Қўни кеча пахтаси батамом йиғиб олинган 19 гектар майдоннинг гўза қатор орасига галла экиб бўлдик. Бу усул ҳам қўлай, ҳам самарали эканлиги тажрибамиздан аён. Кишининг қорли-қировли қўнларига галла майсаларни бақувват ривожлантириб олсак, бемалол 40 центнердан ошириб ҳосил оламиз.

Дарҳақиқат, ортирилган тажриба ва омилорлик туфайли хўжалик аъзолари ҳар йили пахта, галла бўйича контрактация шартномаларини ортиги билан бажариб кел-

моқдалар. Бу йил ҳам хўжалик 40 миллион сўм атрофида даромад кўриши кўтилмоқда. Унинг 10 миллион сўмдан ортиғи соф фойдадир. Фермер қўламга чиқиб, лизинг йўли билан яна 2 та трактор олиш ниятида.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА:

фермер Ўткир Эрматов хўжалик механизатори Эргаш Каримов билан гўза қатор орасига дон экиш сифатини назорат қилмоқда. **Даврон АХМАД олган сурат.**

МИКРОЛИЗИНГ ХИЗМАТИ ДОИРАСИДА

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки вилот бўлимининг самарали фаолияти орқали тадбиркорлик субъектлари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида банк аҳоли турмуш тарзини кўтаришга ҳам ҳисса қўшмоқда. Бундай қўлайлиқдан Паркент туманидаги Заркент қишлоғи аҳолиси баҳраманд бўлаётди. Жўмладан, қорамоллар сотиб олиш учун йиллик саккиз фоиз устамаси билан 8 ой муддатга кредит ажратилган бўлди.

Халқаро ташкилот дастури кредит линияси орқали эса Бустонлик туманидаги Ёнариқ қишлоғи аҳолисига маблағ ажратилди.

Ушбу кредит иссиқхоналарда қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришга сарфланади.

Ақбар АЛИЕВ.

■ Ишлаб чиқариш корхоналарида ■

ЎЗЛАРИ ЕТИШТИРГАН НЕЪМАТЛАР

– Бу йил қишда ҳам дастурхонимиздан олма-узум аримайди дейман, – тушлик учун цех ошхонасига кирган ишчилардан бири шўкроналик билдирди ёнидагиларга. – Олмаларни қаранг, биронтасини кўрт емаган-а. Голландида етиштирилган дейсиз...

– Ўзимизнинг боғдан, Усмонов, – деди ҳамкасбига Қодирли. – Буларнинг ҳаммасини Аъзам боғининг ўзи етиштирган. У киши беш-олти йилдан буюн корхонамизнинг ёрдамчи хўжалиги – боғда ишлайди. Ўзи ҳўп тажрибали боғбон. Мана, юзига қаймоқ бойлаб турган сут, қатиқ ҳам ўзимиздан, дўстим...

«Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик бирлашмасининг чорвачилик ва боғдорчиликка иxtисослашган ёрдамчи хўжалиги тизимдаги мавжуд ошхоналарини сут ҳамда мева-сабзавот махсулотлари билан барқарор таъминлаб келмоқда.

– Айниқса, бу йил боғ ва сабзавотчиликдан мўл ҳосил олинди, – дейди бўлимининг тажрибали боғбони Аъзам Худойбердиев. – 18 гектар майдондаги боғдан 40 тоннадан зиёд олма, олхўри, ёнғоқ ва хўрмо олдик.

Шаҳар чеккасидаги тош

масига яқин ҳудудда ташкил этилган янги майдонга 4000 тупдан зиёд мевали дарахт ниҳоллари ўтказилди.

Бўлим ишчилари ҳар бир туп ниҳолни авайлаб, меҳр билан парваришлашди. Икки-уч йилдаёқ ҳосилга кирган ниҳоллар йилдан-йилга мўл мева бера бошладилар. Хозирги кунда бу ерда кузги агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, бўлимининг ўзида қўчат етиштириш, эҳтиётдан ортиғини эса сотиш қўзда тутилган.

Сут-товар фермасидаги чорва молларининг махсулдорлигини ошириш, мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш мақсадида 700 гектарга яқин лалми ва сугориладиган майдонлар бўлим иxtиёрига берилди. Унинг 75 гектарида маккажўхори, 70 гектарида беда, 10 гектарида озуқа лавлагиси, 200 гектарида эса бугдой етиштирилди.

– Кузги дон экишни ҳам қўнгилдагидек яқунладик, – дейди ҳосилот Фарход Раҳмонов. – Гектарига 800 килограммдан арпа, 250 килограммдан бугдой уруги сешилди. Дала ишларига жами 20 та техника-транспорт воситалари, қўшимча ишчи қўчалари жалб этилган. Шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш, боғ ва экин майдонларини кенгайтириш ниятидамиз.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

■ Сўраган эдингиз ■

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ:

ЯНГИ ҚОИДАЛАР

Кейинги бир йил давомида ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиш тақиқлангани, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракат қонидида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани амалда ўз самарасини бермоқда.

– Мазкур меъёрлар қўнғиридан буюн йўл-транспорт ҳодисалари камайгани ақлоқ сезилди, – деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлими бошлиғи Анавархўжа Сулаймонхўжаев. – Ўз навбатида оғир оқибатларга олиб келувчи жараҳат олиш ҳолатлари ҳам кескин камайди. Бунда соҳага оид қонунчилик тақомиллаштирилгани, аниқроғи қондабузарлик учун жавобгарлик қўчатирилгани муҳим аҳамият касб этаетир.

Қўнғириликка мувофиқ, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши энг кам иш ҳақининг бир баравари микдориде жарима солишга сабаб бўлади. Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақоран со-

дир этилса, ҳайдовчиға энг кам иш ҳақининг икки бараваридан ўч бараваригача микдорда жарима солинади ёки у транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача маҳрум этилади. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташвишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиларининг мотоцикллардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми микдориде жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 октябрда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Қарор «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкни муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2008 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш тақиқланади.

Мазкур янги меъёр ҳам ҳайдовчининг ҳаракатлини пайтида чағлимаслигини таъминлашга хизмат қилади. Дарҳақиқат, транспортда теле ёки видеомониторлар орқали фильм ёхуд бошқа қўнғи-очар томоша намоиши қилинса, бу ҳайдовчининг диққатини ўзига тортиши табиий ҳол. Диққатининг бўлиниши эътиборсизлиқни, бу эса ўз навбатида қондабузарлиқни келтириб чиқариши шубҳасиз.

Норгул АБДУРАИМОВА, Ўза мухбири.

Президентимиз таъбири билан айтганда «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Уни тиклаш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

ҚИШЛОҚДА МУЗЕЙ

Бу табиий, чунки, ўтмиш, бугун ва келажак ўзаро узвий боғлиқ. Музей грекча сўз бўлиб, моддий ва маънавий бойликлари, улғу зотлар ҳақидаги хотираларни йиғиб сақлайдиган, намоиш қиладиган илмий-маърифий маскан. Унинг тарбиявий аҳамияти беқийс. Музей одамларнинг бўш вақтини самарали ўтказишга, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Музейга келувчилар ўзи яшайдиган шахар ёки қишлоқ, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳозирги мустақиллик даврида фидокорона меҳнат қиладиган фидойи инсонлар ҳақида маълумотлар ва ибратли ишларидан ўрнак олади. Шу боис, музейни ҳамма туман ва қишлоқларда, мактабларда ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Мен яшаётган Чувалачи қишлоғи аҳлининг илтимосини инобат қилиб, биз жамоатчилик асосида қишлоқ тарихи музейини ташкил қилмоқдамиз. Бизнинг ташаббус қишлоқ ва туман раҳбарлари томонидан маъқулланди. Республика давлат музейи ноёб экспонатлардан соғва қилди. Келгусидаги ишларимизни белгилаб берди. Ниятимиз – халқаро музейлар қўнига Чувалачида музей очил.

Убайдулла БОЗОРОВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

ЧИДАМЛИ БАКТЕРИЯЛАР ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология илмий-тадқиқот институти олимларининг геохимик фаол микроорганизмлар яратиш борасидаги изланишлари халқ хўжалигига катта иқтисодий фойда келтирмоқда.

Олмалик кон-металлургия комбинати билан тузилган хўжалик шартномасига кўра бу корхона чиқиндиларидаги геохимик фаол микроорганизмлар илмий жиҳатдан ўрганилди.

Натижада эритмаларда юқори концентратцияли мисга нисбатан чидамли хисобланган бактерияларни ҳосил қилишга эришилди. Бу илгор усул мисни бойитиш фабрикаси чиқиндилари уюмига микроорганизмлар ёрдамида эритишда қўл келди.

Микробиолог олимларнинг мазкур тадқиқоти комбинат негизиде мисни қайта ишлашни тақомиллаштириш имконини беради.

Ақбар АЛИЕВ.

Бир дўстим хизмат сафари билан икки йилга бошқа давлатга жўнаб кетаяпти. Шу сабабли автомашинасини вақтинчалик ҳайдаб туришим учун менга қолдирмоқда. Лекин у вазият такозо этса, яна 2-3 йил чет элда қолиб кетиши мумкинлигини таъкидлади. Бизда эса ишончнома факат 3 йилга берилади. Дўстим хорижда 2 йилдан узоқ муддатга қолса, мен унга қайтганидан сўнг бошқа ҳудди шундай автомобиль сотиб олиб беришим кераклигини айтиди. Бундай муносабатлар қонуний тарзда қандай амалга оширилади?

Анвар ХўЖАМОВ, Зангиота тумани.

ҲАЙДОВЧИ, ИШОНЧНОМАНГИЗ БОРМИ?

Саволга Окқўрғон тумани Алимкент кўрғонидаги 2-давлат нотариал идораси нотариуси Эркиёр Бурхонов жавоб беради.

Бу вазиятда фуқаролар сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномани нотариус орқали расмийлаштиришлари керак. Сабаби – ишончнома муддати тугагандан сўнг фуқаро бемалол автомашинанинг олди-сотдиси билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Хозирги кунда бундай ишончномаларни расмийлаштириш учун 155 минг 250 сўм микдорда нотариал ҳақ ва гербли бланка учун 1552.5 сўм

давлат бож индирилади. Энди бошқа ишончномаларга тўхталасак. Қариндошлар ўртасида тузилдиган ишончномалар учун айни вақтда 15 минг 525 сўм нотариал ҳақ ҳамда гербли бланка учун 1552.5 сўм давлат бож индирилади. Бир-бирига бегона фуқаролар учун эса хозир ишончнома ҳақи 77 минг 625 сўм қилиб белгиланган. Бунга, албатта, гербли бланка учун давлат бож иш ҳисобланади.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 29	СЕШАНБА 30	ЧОРШАНБА 31	ПАЙШАНБА 1	ЖУМА 2	ШАНБА 3	ЯКШАНБА 4
O'ZBEKISTON 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 18.00 «Турмуш чорраҳаларида» Т/с 7.45, 17.10 «Олтин мерос». 8.00 «Тахлилнома». 8.45 «Олам ва одам» дастури: «Ифторлар оғушида». 9.10 «Болалар дунёси». «Ғарбга саёхат». М/с. 10.00 «Ватанпарвар». 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 11.15, 20.10 «Аччиқ ёлгон». Т/с 11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кўешили улкам». 13.00 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». 13.50 «Она юрт наволари». 14.20, 15.25 «Пири коинот». Спектакль. 15.20, 17.55, 20.50 «Минг бир ривоят». 16.15 «Одами эрсанг» 16.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хоразмнинг нақшкор кулчиликчи». 17.15 «Ўзбекистон қўриқонаси». 17.40 «Эртақлар – яхшиликка етаклар». 18.45 «Бир кун». 19.10 «Оханглар оғушида». 19.20 «Сизнинг адвокатингиз». 20.05 «ТВ шифокор». 21.40 «Бир ўлка-ки» 22.00 «Кўнгил риштаси» Т/с 23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.15 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон» Т/с YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 8.00, 18.00 «Давринг боласи». 8.10 «Маринка, Янка ва Кирил қасрининг сири». Фильм-эртэк. 9.25 «Аждодлар хазинаси». 9.30, 19.30 «Айро тақдирлар» Т/с 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.10 «Интерфутбол» 11.40, 22.50 «Қақнус» Т/с 12.55 «Тошкент – 2007 йилда ислом маданияти пойтахти» 13.10 «Камолот» хабарлари. 13.20 «Афсона ва ҳақиқат». 13.45 «Тасвир ва таассурот» 14.00, 20.50 «Ишқомли уй» Т/с 14.40 «Сиз билган ва билмаган Малайзия». 15.50, 20.40 «Ёшлик – бу» 15.55 «Ўзбекистон вақти» 16.10 «Пуаро» Т/с 17.00 «Муъжизавий дунё» 17.50 «Истиқбол тимсоллари» 18.10 «Кувнок дўмбоқчалар» М/с 18.20 «Болалар табассуми» 18.25 «Yoshlar» анкетаси. 18.30 «Ёшлик наволари» 18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!» 18.55 «Телетухфа» 19.00, 22.00 «Давр». 19.30 «Айро тақдирлар» Т/с 20.05 «Муслик лаҳза». 20.10 «Спортлото» 20.20 «Радиодан кўрсатамиз!» 20.40 «Ёшлик – бу» 20.50 «Ишқомли уй» Т/с 21.35 «SMS-музыка» 21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!» 22.30 «Мулки мумтоз». TQSHKENT 17.55 М/ф: «Қундуз амакининг ҳикоялари». 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет». 18.25 «Биласизми?» 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 18.50 «Камилла» Т/с 19.20, 20.15 «ТВ юрист» 19.25 «Муслик SMS» 19.50 «Саломат бўлинг» 20.20 «Мисс Марпл» Т/с 20.50 «Интервью» 21.00 «Жозиб» 21.45 «Уйларим» 22.10 «Аёл қалби» 22.45 «Кино SMS со звездами» 22.50, 00.45 Х/ф «Человек в железной маске». SPORT 7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Талкин» 8.30 «Детективы» 9.00 «Версия» 9.30 «Малахов +» 10.30 «Гатемала! Ночи Кинжалы». Д/ф. 10.55 Баскетбол. 18.00 Болалар спорти. 18.20 «Тет-а-тет» 18.30, 21.30 «Хабарлар» 18.50 «Муслик тайм» 19.10 «Спортимиз маликалари» 19.30 Футбол шарҳи. 20.00 «Жди меня» 20.50 Белбоғли кураш. 21.50 «Река надежды». Серил. 22.40 ПроФРИНГ.	O'ZBEKISTON 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Турмуш чорраҳаларида» Т/с 7.50, 13.55, 17.15 «Олтин мерос». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.40 «Олам ва одам» дастури: «Катта тошлоқ чорвадорлари» 9.05 «Бизнинг кутубхона» «Ғарбга саёхат». М/с 9.45 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор» 10.05 «Ягона оилада» 10.25 «Худудлар ҳаёти» 10.40 «ИИВ хабарлари» 10.55, 20.50 «ТВ шифокор» 11.15 «Аччиқ ёлгон» Т/с 11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Палан-дара жипоилари» 13.00, 22.00 «Кўнгил риштаси» Т/с 14.20 Эски альбом. 14.25 «Олам ва одам» дастури: «Патагония – жануб ери» 15.10 «Мехр қолур». Видеофильм. 15.10 «Назм ва наво» 16.40 «Иқомият» 17.15 «Шифокор қабулида» 17.40 «Эртақлар – яхшиликка етаклар» 18.50 «Умр мазмуни» 19.15 «Оханглар оғушида» 20.10 «Аччиқ ёлгон» Т/с 21.40 «Хонадон» 23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.10 «Шерлок Холмс ва док. Ватсон» Т/с YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг» 8.00, 18.00 «Давринг боласи» 8.10 «Қўнкул кор ёканди». Фильм-эртэк. 9.25 «Аждодлар хазинаси» 9.30, 19.30 «Айро тақдирлар» Т/с 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр» 10.10 «Автоматур» 10.30 «Ватанпарвар» 11.30 «Мезёр соғлиқ гарови» 11.50, 21.35 «SMS-музыка» 12.00, 22.50 «Қақнус» Т/с 12.55 «Тошкент – 2007 йилда ислом маданияти пойтахти» 13.10 «Истикбол тимсоллари» 13.20 «Афсона ва ҳақиқат» 13.45 «Тасвир ва таассурот» 14.00, 20.50 «Ишқомли уй» Т/с 14.40 «Бешик» 15.50, 20.40 «Ёшлик – бу» 15.55 «Ўзбекистон вақти» 16.10 «Пуаро» Т/с 17.00 «Муъжизавий дунё» 17.50 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Муруват» 18.10 «Кувнок дўмбоқчалар» М/с 18.20 «Болалар табассуми» 18.25 «Yoshlar» анкетаси. 18.30 «Ёшлик наволари» 18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!» 18.55 «Телетухфа» 19.00 «Муслик лаҳза» 20.10 «KINOMANIYA» 21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!» 22.30 «Мулки мумтоз» TQSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!» 8.35, 18.50 «Камилла» Т/с 9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет» 9.25, 11.25, 19.20, 20.15 «ТВ юрист» 9.30 Камер оркестри концерти. 9.45 «Мисли гавҳар» 9.55, 18.25 «Биласизми?» 10.00 «Мулоқоза учун мавзу» 10.30, 19.25 «Муслик SMS» 10.55, 21.45 «Уйларим» 11.00 «Интервью» 11.10 «Моҳир» 11.35, 13.05 Х/ф «Французский для начинающих» 17.55 М/ф: «Қундуз амакининг ҳикоялари» 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт» 20.20 «Мисс Марпл» Т/с 20.50 «Репортаж» 21.00 «Жозиб» 22.10 «Моҳир» 22.45 «Кино SMS со звездами» 22.50, 00.20 Х/ф «Французский для начинающих». SPORT 7.00 «Бодрое утро» 8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар» 8.20 Мультифильм. 8.30 «Детективы» 9.20 Д/ф. 9.30 «Малахов +» 10.30 Гандбол. 11.10 Баскетбол. 12.00 Фигурное катание. 12.50, 13.35 Футбол. 18.15 «Тет-а-тет» 18.30 «Муслик тайм» 18.50 «Муслик тайм» 19.10 «Сценка на сценку» 19.35 «Икки зичи орасида» 20.00 «Танкер «Танго». Серил. 20.50 «Предположение» 21.10 «Тадкир чизилари» 21.50 Еврофутбол. 23.25 «Река надежды». Серил.	O'ZBEKISTON 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 18.00 «Турмуш чорраҳаларида» Т/с 7.50, 13.55, 17.15 «Олтин мерос». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот» 8.40 «Олам ва одам» дастури: «Сазиме тошбакалари» 9.05 «Очиқ дарс». Видеофильм. «Ғарбга саёхат» М/с 10.25 «Ҳаёт манзаралари» 10.35 «Табарук замин» 10.55, 20.05 «ТВ шифокор» 11.15, 20.10 «Аччиқ ёлгон» Т/с 11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўсимликлар дунёси» 13.00, 22.00 «Кўнгил риштаси» Т/с 14.20 Эски альбом. 14.25 «Олам ва одам» дастури: «Патагония – жануб ери» 16.00 «2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили». «Ёшлар» 16.20 «Мехр қўзда» 16.40 «Одамлардан бири» 17.20 «Саломатлик дастури» 17.40 «Эртақлар – яхшиликка етаклар» 17.55, 20.50 «Минг бир ривоят» 18.50 «Худоят сари» 19.10 «Оханглар оғушида» 19.20 «Сизнинг адвокатингиз» 21.40 «Янги наволар» 23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.10 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон» Т/с YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг» 8.00, 18.00 «Давринг боласи» 8.10 «Олтин қалъачи». Фильм-эртэк. 9.25 «Аждодлар хазинаси» 9.30, 19.30 «Айро тақдирлар» Т/с 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр» 10.10 «Интерфутбол» 11.40, 20.20 «SMS-музыка» 12.00, 22.50 «Қақнус» Т/с 12.55 «Тошкент – 2007 йилда ислом маданияти пойтахти» 13.10 «Муруват» 13.20 «Афсона ва ҳақиқат» 13.45 «Тасвир ва таассурот» 14.00, 20.50 «Ишқомли уй» Т/с 14.40 «Тандирдан қуёш» 15.50, 20.40 «Ёшлик – бу» 15.55 «Ўзбекистон вақти» 16.10 «Пуаро» Т/с 17.00 «Муъжизавий дунё» 17.50 «Солиқ хизмати хабарлари» 18.10 «Кувнок дўмбоқчалар» М/с 18.20 «Болалар табассуми» 18.25 «Yoshlar» анкетаси. 18.30 «Ёшлик наволари» 18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!» 18.55 «Телетухфа» 19.00 «Муслик лаҳза» 20.10 «Спортлото» 21.35 «Ибратли умр» 21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!» 22.30 «Мулки мумтоз» TQSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!» 8.35, 18.50 «Камилла» Т/с 9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет» 9.25, 12.10, 19.20, 20.15 «ТВ юрист» 9.35, 18.25 «Биласизми?» 9.40, 18.25 «Муслик SMS» 10.05, 21.45 «Уйларим» 10.15 М/ф «Братец медвежонок-1» 11.35 «Интервью» 11.45 «Туризм ҳақида» 12.15 «Иктисодий» 12.35, 14.25 Х/ф «Сладкий ноябрь» 17.55 «Афша» 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт» 19.50 «Саломат бўлинг» 20.20 «Мисс Марпл» Т/с 20.50 «Репортаж» 21.00 «Жозиб» 22.10 «Маърифат фидойилари» 22.45 «Кино SMS со звездами» 22.50, 00.35 Х/ф «Пол 2 Жизнь как мечта» SPORT 7.00 «Бодрое утро» 8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар» 8.20 «Мультифильм» 8.30 «Детективы» 9.20 Д/ф. 9.30 «Малахов +» 10.30 Гандбол. 11.10 Фигурное катание. 12.00, 12.45 Германия чемпионати шарҳи. 15.30 Футбол. 17.20 «Ким нимага қодир?» 17.40 «Муслик тайм» 18.00 «Болалар спорти» 18.15 «Ералаш» 18.50 «Олимп сари йул» 19.05 «Танкер «Танго». Серил. 19.55 «Поле чудес» 21.00 «Спорт саплати» 21.50 «Атмосфера слухает» 22.35 «Ледниковый период»	O'ZBEKISTON 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Чархалак» Т/с 7.55, 13.55 «Олтин мерос» 8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот» 8.40 «Болалар дунёси». «Ғарбга саёхат» М/с 9.30 «Шифокор қабулида» 9.55 «Зиё» студияси намоиш этади: «Этикада муҳакамчилиги йўлида» 10.20 «Рангинкамони». «Дидар» 11.00 «Оналар мактаби» 11.20 «Аччиқ ёлгон» Т/с 13.00 «Кўнгул риштаси» Т/с 14.20 «Бекат» 14.45 «Ажойиб кўларнаст» Бадий фильм. 16.00 «Мехр қўзда» 16.45 «Уйла, Изла, Топ!», Телесубока. «Эртақлар – яхшиликка етаклар» 17.50 «Саломатлик сирлари» 18.10 «Шахсий фикр» 18.45 «Шўрданақ» 19.15 «Оханглар оғушида» 20.05 «Сайлов – демократия кўзгиси» 20.35 «Ватан ҳақида кўшиқлар» 20.50 «ТВ шифокор» 21.40 «Кўнгул кўшиқ истаиди» 22.00 «КиноТеатр» 22.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 22.35 «Жигарбандим ёди». Бадий фильм. YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг» 8.00 «Давринг боласи» 8.10 «Ошиқ буюкчи ҳақида чўпчак». Фильм-эртэк. 9.25 «Аждодлар хазинаси» 9.30 «Айро тақдирлар» Т/с 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр» 10.10 «Солиқ хизмати хабарлари» 10.20 «Чин» лақаби жўжа. М/ф. 11.40, 20.45 «SMS-музыка» 12.00 «Қақнус» Т/с 12.55 «Тошкент – 2007 йилда ислом маданияти пойтахти» 13.10 «Хеч нима ҳақида битиклар» 13.20 «Афсона ва ҳақиқат» 13.45 «Тасвир ва таассурот» 14.00, 21.10 «Ишқомли уй» Т/с 14.40 «Маргилон» 15.50 «Ёшлик – бу» 15.55 «Ўзбекистон вақти» 16.10 «Еш оилалар – давлат ҳимоясида» 16.30 «Радиодан кўрсатамиз!» 16.40 «Эверест» 17.20 «Чемпион сирлари» 17.40 «Yoshlar» анкетаси. 17.45 «Ҳаёт қадри» 18.10 «Камолот» хабарлари. 18.20 «Каталог» 18.30 «Ёшлик наволари» 18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!» 18.55 «Телетухфа» 19.30 «Дунё таомлари» 19.50 «Дилроз» 20.15 «Тақдир» 21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!» 22.30 «Мулки мумтоз» 22.50 Жаҳон киноси: «Жаҳонир полициячи». TQSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!» 8.35, 18.50 «Камилла» Т/с 9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет» 9.25, 12.10, 19.20 «ТВ юрист» 9.35 «Маърифат фидойилари» 9.50, 18.25 «Биласизми?» 9.55, 19.25 «Муслик SMS» 10.20 «Уйларим» 10.30 «Саломат бўлинг» 10.40 «Репортаж» 10.50 «Афша» 11.00 М/ф: «Братец медвежонок-2» 12.20, 14.05 Х/ф «Пол 2 Жизнь как мечта» 17.55 «Афша» 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт» 20.20 «Мисс Марпл» Т/с 20.50 «Репортаж» 21.00 «Жозиб» 22.10 «Маърифат фидойилари» 22.45 «Кино SMS со звездами» 22.50, 00.45 Х/ф «Пол 2 Жизнь как Юму». SPORT 7.30, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар» 7.50 «Жасур болалар» 8.20, 18.15 Мультифильм. 8.30 «Бодрое утро» 9.55 «Икки зичи орасида» 10.25 «Смак» 10.55 «Рондо». Ток шоу. 11.35 Фигурное катание. 12.35, 13.20 «Что? Где? Когда?» 18.00 «Мир детского спорта» 18.50 «Муслик тайм» 19.10 Фоторево. 19.30 «Юдузлар матчи» 19.50 Антракт. 20.00 «Ревенг» 20.20 «Спортколлекция» 20.40 Универсал жанг. 21.50 «Большие гонки» 22.40 SMS Ринг. 23.10 Еврофутбол.	O'ZBEKISTON 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Чархалак» Т/с 7.55, 13.55 «Олтин мерос» 8.00 «Ахборот» 8.40 «Бизнинг кутубхона» 8.50 «Кўнгул гул». Мультифильм. 9.45, 20.50 «Минг бир ривоят» 9.50 «Ватан ҳақида кўшиқлар» 10.00 «Сайлов – демократия кўзгуси» 10.30 «Оханрабо» 11.10 «Саломатлик сирлари» 11.30 «Азизим» 13.00 «Кинотакдим» 13.25, 15.00 «Сангам». Бадий фильм. 16.40 «Оддий ҳақиқатлар» 17.25 «Туғилган кун». Видеофильм. 17.55 «Одами эрсанг» 18.15 «Законат» 19.10 «Оханглар оғушида» 19.30, 21.00 «Тахлилнома» 20.10 «Аччиқ ёлгон» Т/с 21.50 «Кўнгул оханглар» 22.10 «Денгиздан томи» 22.40 «Ийранган». Бадий фильм. YOSHLAR 7.00 «Қайнона». Кинокомедия. 8.10 «Кун тартиби» 8.40 «Дунё таомлари» 9.00 «Якшанба нонушаси» 9.20 «Сеними, шошмай тур!» М/ф. 9.30 «Болалар давраси» 10.00 «Ватанпарвар» 11.00 «Jougnal» 12.00 «Тараннум» 12.20 Жаҳон киноси: «Кабелчи» 13.35 «Yoshlar» анкетаси. 13.40, 19.30 «SMS-музыка» 14.00 «Ишқомли уй» Т/с 14.45 «Тасанно» 15.30 «Чемпион сирлари» 15.50 «Ринг қироллари» 16.30 «Якшанба нонушаси» 16.50 «Ит билан тулки» М/ф. 18.00 «Айланай» 18.20 «Рўзгор мактаби» 18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!» 18.55 «Телетухфа» 19.00 «Давр ҳафта ичида» 19.55 «Yoshlar» анкетаси. 20.00 «Акс» 20.40 «Ёшлик наволари» 21.00 «KINOMANIYA» 21.30 Миллий кино: «Чашма» 22.40 «Тунги парвоз» TQSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!» 8.35 «Камилла» Т/с 9.05, 12.40, 20.20 «Телекурьер-маркет» 9.25 «ТВ юрист» 9.35 «Афша» 9.45 «Интервью» 9.55 М/ф «Карлсоннинг қайтиши» 10.15 «Биласизми?» 10.20 «Истеъдод» 10.40 Х/ф «Қўлларин йўлингга» 12.10 «Муслик SMS» 13.05 Фильм даям: «Пожарный пес» 14.50 «Дорихона эшитида» 15.35 Х/ф «Поезд на Юму» 17.30, 21.30 «Муслик вступл» 17.40 «Саргузаштлар ороли» 18.05 Х/ф «Ярим бахт» 19.55 «Жозиб» 20.40 «Фаровоний бекати» 21.00 «Туризм ҳақида» 21.35, 23.20 Кино SMS со звездами: «Ультиматум Борна». «Война». «Крепкий орешек-4» SPORT 7.30, 9.30 «Хабарлар» 7.50 «Кувнок стартлар» 8.30 «Бодрое утро» 9.50 «Фигурингиз грессмейстер» 10.10 «Аазель» Х/ф. 12.00 «Ералаш» 12.10 «Аазель» Х/ф. 14.00, 14.50 ПроФРИНГ. 18.00 «Мир детского спорта» 18.15 «Муслик тайм» 18.30 «Версия» 19.00 «Спорт уик-энд» 19.40 «Тайм-аут» 20.00 Еврофутбол. 21.30 «Талкин» 22.00 Универсал жанг. 22.40 «Ледниковый период».		

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ ДАСТУРИ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ АУКЦИОНИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида, нархлари ошиб бориш тартибиде, 2007 йилнинг 27 ноябрь ва 4, 11, 18, 25 декабрь кунлари соат 11:00 да қуйидаги автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Т/р	Автотранспорт воситаси номи	Бошланғич нархи (сўм)	Суд ижроси	Суд органи	Манзили
1	«Матиз» русумли, 2003 й и/ч, д/р 11 АВ 868	5 459 100	Тошкент вилояти Куйичирчиқ тумани суд ижрочилири бўлими	Тошкент вилоят ҳужалик судининг 28.03.2007 йилги № 11-0717/101 ижро варақаси	Тошкент вилояти, Куйичирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри

Аукцион савдосига такроран чиқарилаётган автотранспорт воситаси бўйича савдолар 2007 йилнинг 13, 20, 27 ноябрь ва 4, 11 декабрь кунлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Т/р	Автотранспорт воситаси номи	Бошланғич нархи (сўм)	Суд ижроси	Суд органи	Манзили
1	КАМАЗ-5320 русумли, 1989 й и/ч, д/р 10 I 6236	10 400 000	Тошкент вилояти Қийрали тумани суд ижрочилири бўлими	ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2007 йил 3 апрелдаги № 1-94/2007 й. ижро варақаси	Қийрали туманидаги Арғин-савдо УК омбухонасида

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси ДМК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2007 йил 16 октябрдаги 309-Д-сонли буйруғига асосан, 2007 йилнинг 27 ноябрь ва 4, 11, 18, 25 декабрь кунлари бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига яққа тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган ер майдонлари қўйилмоқда.

Т/р	Ер майдонининг жойлашган манзили	Сони	Рақами	Сатҳи (га)	Бошланғич нархи (сўм)
1	Тошкент вилояти, Янгийул шаҳри, Чирков кўчаси ҳудудида жойлашган	2 та	1,2	0,04	78 672

Аукцион савдосига такроран чиқарилаётган ер майдонлари бўйича савдолар 2007 йилнинг 15, 22, 28 ноябрь ва 6, 13 декабрь кунлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Т/р	Ер майдонининг жойлашган манзили	Сони	Рақами	Сатҳи (га)	Бошланғич нархи (сўм)
1	Тошкент вилояти, Паркент тумани, Истикбол маҳалласида жойлашган	10 та	5, 6, 9, 10, 13, 14, 15, 16, 19, 20	0,04	73 920
2	Тошкент вилояти, Паркент тумани, Невчи қишлоғида жойлашган	1 та	8	0,06	78 672

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан уч кун олдин тўхтатилади. Юридикдаги автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилири бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТББ «Ипотекабанк»нинг С. Раҳимов филиалидаги МФО 00901, ИНН 200933850, 2010000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгадир.

Лицензия: DV 001 № 000004.

Чиноз туманидаги «САХОВАТ» фермер ҳўжалигига тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампга йўқолганлиги сабабли

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

АҚШнинг Чикаго шаҳрида бошланган бокс бўйича жаҳон чемпионатида дунёнинг 114 мамлакатидан келган олти юздан зиёд чарм кўлоқ устаси билан бирга Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам мусобақа медаллари ва келаси йили Хитойнинг Пекин шаҳрида бўладиган навбатдаги ёзиқ Олимпиада ўйинлари йўлланмасини кўлга киритиш учун куч синашмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, унда бокс бўйича жаҳон чемпионати ва Афина Олимпиадаси совриндори Баходир Султонов биринчи учрашувни аргентиналик Жесус Андресга қарши ўтказиб, рақибини доғда қолдирган. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Элшод Расулов чехиялик Сошқа Жан устидан зафар қучган бўлса, яна бир умидли боксчимиз — Орузбек Шоимов Иорданиядан келган Иброҳим Ал-Гарагирга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

ЎЗА.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

ЎСМИРЛАР ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА!

Келаси йили футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатидаги саралаш босқичи давом этмоқда.

1992 йилда тузилган футболчилардан иборат Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилган саралаш турнирида китъа чемпионатидаги финал босқичига йўлланма олди.

"D" гуруҳида ўтказилган беллашуларда Ўзбекистонлик ёш футболчилар учинчи турда асосий рақиблардан бири — Тожикистон ўсмирлар терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга

учратиб, Осиё чемпионатидаги кичиш учун яхши имкониятга эга бўлган эди.

Тўртинчи турда эса ҳамюртларимиз ўз мақсодида етди. Бангладешлик футболчилар билан куч синашган Роберт Гай шоғирлар рақиб жамоа устидан 3:2 ҳисобида зафар қучди ва гуруҳда биринчи ўринга кўтарилди.

Бирлашган Араб Амирликлари ва Тожикистон футболчилари ўртасидаги тўртинчи тур учрашувида

3:2 ҳисобида галаба қозongan мезбонлар иккинчи йўлланмани кўлга киритди. Яна бир учрашувда Туркменистон ўсмирлар терма жамоаси фаластинлик тенгқурлари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади.

Мусобақа жадвалида учтадан галаба ва биттадан дурангдан сўнг ўнтадан очко жамғарган Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ёш футболчилари пешқадамлик қилмоқда.

Саралаш гуруҳининг сўнгги учрашувида вакилларимиз Фаластин ўсмирлар терма жамоасига қарши майдонга тушади.

ЎЗА.

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ТЎРТ ОЛТИНИ

Қозғистоннинг Толдиқўрғон шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

Мусобақада Музаффар Абдуллаев, Жасурбек Латипов, Нодир Қосимов ва Қобилжон Бобоқонов барча учрашувларни ўз фойдасига ҳал қилиб, терма жамоамиз ҳисобига биттадан олтин медаль келтирди.

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида футбол бўйича ўтказилган ФИФА Гран-приси учун халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам майдонга тушди.

Унда ўзбекистонлик футболчилар Уругвай терма жамоаси билан куч синашди. Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган учрашувда кучлар тенг келиб, 3:3 ҳисобида дуранг натижа қайд этилди.

Театр Ва ҳаёт

САҲНАДАГИ БОЛАЛИК

Дунёда болажонлар шодлигидан ортиқ ҳузур-ҳаловат йўқ. Айнан, болажонлик халқимизнинг бетакор фазилатларидан бири.

Озод Ватанда эмин-эркин униб-ўсаятган ёш авлод тарбияси, камолоти учун яратилаётган шарт-шароитлар мустақил диёримизнинг ёрқин келажagini таъминловчи омиллардан бири.

Салкам саксон йилдан буён ёшлар билан диллашиб, сирлашиб келаятган республика Ёш томошабинлар театрининг янги 79-мавсуми бошланди. Унинг очилиши, айниқса, меҳрибонлик уйлари, ногирон ва кам таъминланган oilаларнинг болалари учун катта байрамга айланиб кетди. Болалик чоғларида ҳавосидан баҳраманд бўлиб улғайган Фотима ва Зухра Зиёмуҳаммадовалар раҳбарлигидаги "Тантана" болалар мусикий жамоаси кичкин-тойларга ўзининг ажойиб томошалари ҳамда "Бешёғоч" фирмаси тайёрлаган ширинликларни тақдим этди. Бундай ҳаяжонли дақиқалар болажонларга олам-олам қувонч бағишлаганлиги шубҳасиз.

Аслида 1929 йилнинг май ойида санъатимизнинг таниқли дарғалари Семён Этьен, Нурхон Ўшмуҳаммадов, Афандихон Исмоилов, Етим Бобоқонов, расом Шоназар Шорахматов тамал тошини қўйган Ёш томошабинлар театри фаолияти

ҳақида узок сўзлаш мумкин. Бу театрда ўсиб-улғайган авлоднинг сон-саногии йўқ. Лекин юртимиз мустақилликка эришгач, театрларнинг жамият ҳаётидаги ўрни алоҳида мазмун-моҳият касб этди. Ёш томошабинлар театрининг маънавий-маърифий етук, она юртва муҳаббат, Ватанга садоқат руҳида юқори маданиятнинг инсонларни тарбиялаб етиштиришдаги роли ошди.

1993 йилда театрга бадий раҳбар этиб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, давлат мукофоти совриндори Олимжон Салимов тайинланди. Театрни жа-

ҳон театрлари даражасига етказиш, нуфузли фестивалларнинг юксак баҳосига эришиш, чет эл сахналарида ўз асарларини намойиш этиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдми. Раҳбарнинг маҳорати, айниқса, янги бинога қўчандан сўнг аққол кўзга ташланди. Тан олиш керакки, Олимжон Салимов театрининг шаъни, обрўси учун таниқли режиссёрлар, истеъдодли ёшларни тақлиф этишдан чўчимаиди, барча имкониятлардан фойдаланишларига бажонидил ёрдам беради. Бу даргоҳда бир қатор режиссёрларнинг (Валижон Умаров, Барзу Абдураззоқов,

Овлакули Ҳўжакули) асарлари намойиш этилди.

Ҳозир театр жамоаси 3 ёшдан 70 ёшгача бўлган томошабинга завқ бера оладиган ажойиб саҳна асарлари яратиб, уларни ҳушунд этмоқда. Ҳам ўзбек, ҳам рус тилларида спектакллар саҳналаштириляпти. Энди русийзабон томошабинлар ҳам бемалол маданий хордиқ чикаришлари мумкин.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Искандарова ва ёш истеъдодли режиссёр Ева Блинованинг Лермонтов асари асосида яратган "Икор" спектакли муҳлислар томонидан жуда яхши кўтиб олинди.

Хилма-хил мавзудаги саҳна асарлари орасида Шароф Бошбековнинг Олимжон Салимов саҳналаштирган "Али хўжа — хўжа Али", Шухрат Ризаевнинг "Дискоотека" асари асосида яратилган спектакллар, айниқса, шухрат қозонмоқда.

Республика Ёш томошабинлар театри юртимизнинг энг кекса театрларидан бири бўлсада, ғайрат-шижоатли, истеъдодли ёшлари билан ажралиб туради. Улардан бири Абдумазруф Кодировга яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилди.

Наргиза МАҲКАМОВА.



Турфа олам ФИРЪАВН АРАВАДАН ЙИҚИЛГАН

Эрамиздан аввалги 1333-1324 йилларда қадимги Мисрда ҳукмдорлик қилган Фиръавн Тутанхамоннинг бевақт ўлимига ов пайти юз берган ҳалокат сабаб бўлган, деб ҳабар беради РАТА-ТАСС. Британиялик олимлар ёш Фиръавн аравадан йиқилиб тушганини аниқлади. Тутанхамоннинг сирли ўлими ҳақида бир неча асрлар давомида турли тахминлар айтиб келинаётган эди. Ҳабарларга қараганда, Фиръавннинг мўмийланган жасади тиббий сканер ёрдамида текширилган ва ўлимидан аввал унинг тиззаси синиб, кейин қони захарлангани аниқланган. Мутахассисларнинг тахминича, ҳалокатга аравадан юқори тезликда юргани сабаб бўлган. Тутанхамон жуда оғир жароҳатланган экан.

Шу йилнинг ноябрь ойида Лондонда "Тутанхамон ҳазинаси" мавзусидаги кўргазма очилиши кўтилмоқда. Унда Фиръавн ҳаётига оид сўнгги маълумотлар акс этган ҳужжатли фильм ҳам намойиш қилинади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ёш Фиръавн ҳаётига қизиқиш катта. Лондонда 1972 йилда Тутанхамонга бағишлаб ўтказилган кўргазмага унинг олтин никобини кўриш учун турли давлатлардан бир ярим миллион киши ташриф буюрган эди. Ҳабарларга қараганда, бу сафар мазкур ноёб ёдгорлик экспозициялар қаторидан жой олмади. Экспертларнинг таъкидлашича, бунинг боиси никобининг анча мўршлашиб қолганидир.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

Толибжон саҳармардонда велосипедга миниб, нахорги ошга жунади. Катта йўлда ортидан етиб келган «Дамас»даги меҳмонлардан бири йўл сўради:

— Кечирасиз, ука, Соҳибжоннинг ховлисига қайси кўчадан қилиради?
— Тўйга келяписизларми? Мен ҳам ўша ерга кетяпман, — деди Толибжон.
— Мана бу зорманда бўлмаганида, сизлар билан бирга кетар эканман.
— Унда велосипедни бирорта таниш ховлида қолдирсангиз-чи.

— Ҳа, рост. Сал юриб, сўлдаги кўчага кирсак, оламникида қолдирардим. Кейин сизлар билан бемалол ошхўрлик қилардик.

Меҳмонлар тескари кўчага ярим чакирим киришгач, тўхташди. Толибжон опасиникига кириб чиққунча кутадиган бўлишди. Оласи оғилхона йўлигида сигир соғаятган экан. Ҳол-аҳвол сўради. Велосипедни шу ерда қолдирмоқчи эканлигини айтиди. Дарвозага йўналганида кўшни хотинга рўпара келди:

— Вой сенмининг, Толибжон. Яхшимисан, онанг тузукми? Сени менга Худо етказди. Уйда кичик неварамдан бўлак ҳеч ким йўқ. Бузоқча арқондан бўшалиб, неварамга бўй бермаяпти. Ушлаб, бирор жойга боғлаб берсанг-чи, ўғлим.

— Вой хола, ҳечам ташивиш тортманг, укам

бузоқчани боғлаб беради, — деб ишонтирди хайрихоҳлик билан опаси.

Толибжон ноилоҳ кўшни ховлига чиқди. Бузоқча қургур анчадан буён бир жойда боғлиқ турганидан зериккан шекилли, бегона эркакка ҳадеганда арқонини ушламай, ҳар томонга қоча бошлади. Сўнг ховлидан кўчага чиқиб олгач, канал ёқалаб шатаюқ отиб кетди. Толибжон югура-югура, бир амаллаб бузоқчани арқонидан тўтиб олди. Рўпарадан келаятган узун бўйли бир йигитчага:

— Ука, шу молни хув анави канал ёқасида турган аёлнинг ховлисига киритиб боғлаб бергин, — дея илтимос қилди хансиратганча. Йигитча индамай молни олдига солиб хайдаб кетди.

Толибжон қўлларини каналнинг муздек сувига ювиб олгач, қирғоқда бир фурсат чарчоғини ёзиб ўтирди. Шу яқин орада кўшиқ эшитиларди. «Ҳа, айтгандай, мен нахорги ошга бормоқчи эдим. Бузоқни кува-кува тўйхонага яқинлашиб қолибман шекилли. Сал юрсам тўй бўлаётган хонадонга етар эканман».

У шашт биш тўйхона томонга юрди. Етиб боргач, тўйбоши билан йўлақда боғия меҳмонларга рўпара келди. Улар бир йигитдан йўл сўраб, тоза афанди бўлишганини кула-кула айтиб бераётган эдилар...

Собиржон ИНОМОВ.



Кулганга нима етсун?

— Кўп афсус, сиз янги пьесамнинг кўригиди бўлмадингизда... Кассанинг олдида шунақа ур-йиқит бўлдики, қўяверасиз...

— Наҳотки! Одамлар пуллари қайтариб олишга муваффақ бўлишдими?

Икки ошна пивхонада ўтиришгитти. Бири сўрайди:

— Нега бугун жуда хаёлча-сан?

— Бир нарсани сира эслол-маяпман. Хотиним менга нима деб тайинловди? «Бир кружка

пиво ичиб, уйга соат ўнга кел деганниди, ёки ўн кружка ичиб, соат бирда кел-дебмиди?

— Уйингиз жуда торми дейман?

— Ҳа, шунақа. Буни қаердан билдингиз?

— Кучукчангиз думини ёнига эмас, юқоридан пастга қараб ликиллатяпти.

Манзилимиз:

700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Машҳурлар ҳаётмуган

СОДДАЛИК

Миртемир домланинг хонадонига тўй бўлаётган эди. Домла ёнига ким келса, хойнаҳой пул керак бўлгандир дея олдиндан чўнтакларини қовлашга тушар, тўй харажатлари учун маблағни яамас эди.

Эшикдан меҳмонлар келганда хизматга мутасад-

ди этилганлардан бири шоир ҳузурига чопади:

— Домла, Сергей Петровичлар келишди.

Кексайганда кулоғи оғирлашиб қолган шоир дарҳол чўнтагига қўл солиб, сўрайди:

— Ҳўш, унга қанча керак экан, бўтам?

БИР ҚАДАХ КОНЬЯК, ЕТТИ ТОМЧИ ЧОЙ

Миртемир домланинг тоби қочиб, дўхтирга боради. Дўхтир унга керакли дори-дармонларни ёзиб беради.

Домланинг кўнгил чигалини ахён-ахён бир қадах коньяк билан ёзиб туради-дур, оdatи бор эди. Масаланинг бу томони қандай бўлди энди дея дўхтирдан очик маслаҳат сўрайди. Дўхтир ҳазилкаш, ёшгина йигит дарҳол масаланинг моҳиятини тушуниб, сих ҳам, кабоб ҳам қўймайдиган бир антика чора топади.

— Ҳамма нарсанинг йўли бор, домла. Сизга шундай маслаҳат, мана бу ёзилган дориларни ичасиз, кейин истасангиз бир қадах чойга етти томчидан коньяк

қўшиб ичаверинг, факат дозани бундан ошириб юборманг.

Кулоғи оғирроқ бўлган шоир маслаҳатни ўзинча тушунади. Орадан бир hafta ўтгач, аҳоли оғирлашиб, яна ўша дўхтирга рўбарў бўлади. Шоирни обдон текшириб қўрган дўхтир хавотирланиб сўрайди:

— Домла, дориларни ичдингизми?

— Ичдим, бўтам, ичдим. Бир қадах коньякка етти томчидан чой қўйиб ҳам ичиб турдим.

— Йўғи?! Ахир мен бунинг тескарисини айтудим-ку, отахон! Демак, дозасини сал ошириворимизда, бўтам. Аттанг...

ГАДОЙНИНГ ТАНБЕҲИ

Шайх ака ҳаётда нихоятда қўли очик, сажий, сажоватли одам эди. Журналист Э. Жабборовнинг хикоя қилишича, урушдан кейинги қийинчилик йиллари собиқ Сайлгоҳ кўчасининг хиббонга яқин жойида бир гадоий ўтирганкан. Шайхзода хиббоннинг нариги томонида жойлашган Ёзувчилар уюшмасига йўли тушгудай бўлса, атай ўша гадоий ўтирган томонга юриб, бечорага оз-моз пул ташлаб ўтаркан. Бу қатъий одат тусига кирган бўлиб, гадоий ҳам шунга ўрганиб қолган экан. Бир куни Шайх ака одатича ўша ер-

дан ўта туриб, гадойга яқинлашибди. Шундоқ чўнтакка қўл солсалар — пул йўқ, костюми алмаштирилганларида пул бошқа кийимда қолган экан. Шоир андак афсуслансада, сир бўй бермай, салом бериб ўтиб кетаверибди. Шунда гадоий орқадан чакриб қолибди:

— Эй, биродар...

— Ҳозир пулим йўқ, — дебди шоир ичидан зил кетиб.

— Ишлаш керак! — дермиш гадоий машҳур шоирга танбех бериб.

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Рассом хангаси



— Қаерларда юрибсиз, дадаси?
— Ерда бироз ўслашиб қолдим, онаси.

Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.